



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG'OT TUMANI HOKIMINING FARMOYISHI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 11 -fevral

18-ch -son

Bog'ot shaharchasi

Туман маҳаллаларини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришдаги камчилик ва тўсиқларини бартараф қилиш, маҳаллалардаги камбағал оиласарнинг ишсиз аъзоларини ишга жойлаштириш, аёллар ва ёшлар дафтарига киритилган ишсизлар бандлигини таъминлаш, маҳаллалардаги етишмаётган хизмат кўрсатиш турларини жорий қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4-5 февраль кунлари Фаргона вилоятига қилган ташрифи давомида берилган топширикларни ижросини таъминлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров томонидан “Маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этиш бўйича берган таклифлари раҳбарлик ва ижро этиш учун қабул қилинсин.

1. Ўзбекистон Республикаси Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров томонидан “Маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этиш бўйича берган таклифлари раҳбарлик ва ижро этиш учун қабул қилинсин.

2. Маҳаллабай ишлаш бўйича янги тизимни йўлга қўйиш мақсадида тумандаги ҳар бир маҳаллага бир нафардан иктисодий комплексдан доимий ишловчи бириктирилган вакиллар таркиби 1-иловага мувофиқ;

- Маҳаллабай ишлаш бўйича янги тизимни йўлга қўйиш мақсадида тумандаги ҳар бир секторда фаолият юритувчи “Бошқарув оғиси” таркиби 2-иловага мувофиқ;

- Секторларда ишловчи “Бошқарув оғиси” томонидан берилган маълумотларни умумлаштирувчи ҳамда ижрога қаратувчи “Мувофиқлаштирувчи” ишчи гурух таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Маҳаллаларга тумандаги корхона ва ташкилотларининг ходимлари тегишли буйруқлар асосида иш жойи сақланган ҳолда бириктирилиши таъминлансин.

Буйрукда бириктирилган ходимлар лавозимидан озод қилинган тақдирда, вазифалар янги тайинланган ходимга юклатилиши ва 2 кун ичида маҳалла раисига ёзма равишда хабардор қилиши белгилаб қўйилсин.

4. Бириктирилган ишчи гуруҳ аъзоларининг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилансин:

маҳаллаларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш хамда маҳаллалардаги мавжуд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш объектларини узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш;

маҳаллаларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришдаги камчилик ва тўсиқларни бартараф килиш;

маҳаллалардаги камбағал оиласарнинг ишсиз аъзоларини ишга жойлаштиришни таъминлаш;

аёллар ва ёшлар дафтарига киритилган ишсизлар бандлигини таъминлаш;

маҳаллалардаги етишмаётган хизмат кўрсатиш турларини жорий килиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши.

5. Маҳаллаларга бириктирилган масъуллар амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотларни “Бошқарув оғиси”га ахборот бериб борсин.

6. “Бошқарув оғиси” умумлаштирилган маълумотлар асосида ўзига бириктирилган ҳар бир маҳаллаларнинг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиб, туман мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳга ҳар хафта якуни бўйича ахборотларни тақдим этиб борсин.

7. Туман мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ тасдиқланган ҳар бир маҳалланинг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини ҳалқ депутатлари туман кенгашига кўриб чиқиши учун тақдим этади ҳамда ҳар ойда бир марта амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги тўғрисида ҳисобот бериб бориши белгилаб қўйилсин.

Ҳисобот бериб бориши графиги 4-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

8. Туман штаби (С.Қурбонов) сектор раҳбарлари билан биргаликда ҳудудларга бириктирилган масъуллар томонидан маҳаллалар аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишларни мониторингини юритиш ҳамда ишчи гуруҳи таркибидаги корхона ва ташкилотлар ходимлари кўрсатилган муддатда маҳаллаларда фаолият кўрсатишини таъминласинлар.

9. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдирман.

**Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи**

**Ш.Яхшибаев**